

**Ўзбекистон республикаси Президентининг «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон қарори қабул қилинди**

<b>Қабул параметрлари (2020/2021 ўқув йили)</b>	<b>Қабул параметрлари (2021/2022 ўқув йили)</b>
<b>бакалаврлар:</b> кундузги — <b>103 375 нафар;</b>	<b>бакалаврлар:</b> кундузги — <b>113 530 нафар;</b>
сиртқи — <b>31 350 нафар;</b>	сиртқи — <b>37 675 нафар;</b>
кечки — <b>5 025 нафар;</b>	кечки — <b>6 550 нафар;</b>
<b>Магистр — 10 425 нафар;</b>	<b>Магистр — 12 900 нафар;</b>

<b>ТАТУ (2020/2021 ўқув йили)</b>	<b>ТАТУ (2021/2022 ўқув йили)</b>
<b>бакалаврлар:</b> кундузги — <b>2 850 нафар;</b>	<b>бакалаврлар:</b> кундузги — <b>3 725 нафар;</b>
сиртқи — <b>825 нафар;</b>	сиртқи — <b>850 нафар;</b>
кечки — <b>0 нафар;</b>	кечки — <b>0 нафар;</b>
<b>Магистр — 219 нафар;</b>	<b>Магистр — 303 нафар;</b>

**2021/2022 ўқув йили қабулидан бошлаб давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотлари учун ҳам шакллантирилди.**

давлат гранти асосида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади;

кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган ва ўқишини тамомлагандан сўнг кадрлар буюртмачиси тизимида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш истагини билдирган абитуриентлар билан уч томонлама (кадрлар буюртмачиси — талаба — олий таълим ташкилоти) шартнома тузилади;

кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган абитуриент кадрлар буюртмачиси билан шартнома имзоламаган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи тўпланган баллар миқдори бўйича ундан кейинги ўринда турган абитуриентга берилади;

давлат буюртмаси асосида ўқишига қабул қилинган талабаларнинг ўқитиши харажатлари кадрлар буюртмачилари томонидан Давлат бюджети параметрларида мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

<b>Инха</b>	<b>Амити</b>
<b>50 нафар;</b>	<b>30 нафар;</b>

# ХОРИЖДАН ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ БЎЙИЧА

ЭСКИ ТАРТИБ	ЯНГИ ТАРТИБ	ЎТИШ БАЛИ (2020/2021 ўқув йили)	ЎТИШ БАЛИ (2021/2022 ўқув йили)
Имтиҳонлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган	Имтиҳонлар Давлат тест маркази томонидан ўтказилади	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан <b>56,7 балл</b> ( $189*30\%$ ) белгиланган	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан <b>66,1 балл</b> ( $189*35\%$ ) белгиланди
Ўтиш баллари тест синовлари ўтказилгандан кейин белгиланган	Ўтиш баллари тест синовлари ўтказилгунга қадар белгиланиши зарур	Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари томонидан <b>100 балл</b> ( $189*53\%$ ) белгиланган	Адлия вазирлиги томонидан <b>105,84 балл</b> ( $189*56\%$ ), Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан <b>100 балл</b> ( $189*53\%$ ) белгиланди
Ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар ўқишга қабул қилинмаган	Ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган	ТАТУ учун <b>100 балл</b> ( $189*53\%$ ), филиаллари учун <b>56,7 балл</b> ( $189*30\%$ ) белгиланган	ТАТУ учун <b>80 балл</b> ( $189*42,3\%$ ), филиаллари учун <b>56,7 балл</b> ( $189*35\%$ ) белгиланди.

**Ушбу янги тартиб жорий ўқув йилидан халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1 000 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларидан кўчиришга ҳам тадбиқ этилади.**

**Талабалар ўқишини хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди.**

# Ўзбекистон Республикасининг бир ҳудудида жойлашган давлат олий таълим муассасасидан бошқа ҳудудидаги давлат олий таълим муассасасига кўчиришда

ўқиши мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришга узрли сабаблар мавжуд бўлганда рухсат этилади. Бунда, ўқиши кўчириш сўралаётган ҳудудда мос ва турдош таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда, ўқиши мазкур ҳудуддаги олий таълим муассасасининг бошқа таълим йўналишига кўчиришга рухсат этилади;

талабанинг республика бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига доимий яшаш учун кўчиб ўтиши, турмуш ўртоғи ёки ота-онасининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойи бошқа ҳудудга ўзгартирилиши, никоҳ тузгандан кейин турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудудга кўчиб ўтиши узрли сабаблар этиб тан олинади;

талабаларнинг ўқишини узрли сабаблар мавжуд бўлмаган холатларда, шунингдек, мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишли бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига teng бўлган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади;

# Таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари

Хужжат топшириш	Муддати	Имтиҳон шакли ва тартиби
<b>Бакалавр</b>		
Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки <b>abitur.dtm.uz</b> орқали	22 июндан 22 июля қадар	Давлат тест маркази томонидан тест ўтказилади. Жорий ўқув йилида <b>5</b> та фандан ўтказилмоқда. Энг юқори балл <b>189</b> баллни ташкил этади. мажбурий учта фанга жами <b>63</b> балл, танлаган бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фанга жами <b>126</b> балл;
<b>Магистратур</b>		
<b>magistr.edu.uz</b>	1 июлдан 30 июля қадар	<b>Икки босқичда:</b> биринчи босқичда ОТМ томонидан танланган мутахассисликка мос фанлар бўйича; иккинчи босқичда Давлат тест маркази томонидан чет тили бўйича тест синовлари ўтказилади,
<b>Иккинчи олий таълим</b>		
<b>ikkinchitalim.edu.uz</b>	20 июлдан 20 августа қадар	Кириш имтиҳонлари шакли ОТМ томонидан бўйснуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишган ҳолда белгиланади.
<b>Академик лицей</b>		
<b>litsey.edu.uz</b>	20 июлдан 30 июля қадар	<b>Икки босқичда:</b> биринчи босқичда бўйснуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси назорати остида академик лицей томонидан ўтказилади; иккинчи босқичда Давлат тест маркази томонидан танланган йўналишга мос 2 та фан ҳамда интеллектуал қобилият даражаси (IQ)ни аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказилади.
<b>Техникум</b>		
<b>texnikum.edu.uz</b>	Давлат комиссия томонидан белгиланади	Хужжат топширган ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, Давлат тест маркази томонидан тест синови ўтказилади ёки тегишли ОТМ томонидан ёзма кириш имтиҳонлари ўтказилади.

# Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори

- а) Қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган;
- б) **2022 йил 1 январдан бошлаб** қўшма таълим дастурларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилган ҳамда фақат ижобий экспертиза хулосасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга рухсат берилиши белгиланган;
- в) қўшма таълим дастурлари асосида **2021/2022 ўкув йилидан бошлаб** ўқишига қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади:
  - биринчи босқичда** — Ўзбекистон Республикаси ОТМ томонидан кириш имтиҳонлари ўтказилади;
  - иккинчи босқичда** — Давлат тест маркази томонидан қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан кириш имтиҳони ўтказилади;
- бунда:
  - биринчи босқичда кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида **30 фоизини тўплаш зарур**;
  - иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида **30 фоизини тўплаш зарур**;
- г) Қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини улар таълим олаётган олий таълим ташкилотининг бошқа таълим йўналишлари ёки бошқа **давлат олий таълим ташкилотига** кўчиришга рухсат этилмайди;
- д) Қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини улар таълим олаётган олий таълим ташкилотининг ёки бошқа Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг **қўшма таълим дастурларига** кўчириши мумкин.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5203-сон қарори қабул қилинган

**Мазкур қарор билан:**

- а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилган;
- б) тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган ресурслар ҳисобидан таълим кредитларини Марказий банкнинг асосий ставкасида (**14 фоиз**) ажратиши;  
таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб **7 йил давомида қайтарилиши**;  
таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашишига рухсат этилиши;  
“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандларидан таълим кредити учун гаров ва кафилликлар талаб этилмаслиги белгилаб қўйилган;
- в) Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, ресурс маблағлари ва таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасайтирилади, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади;
- г) республикадаги давлат олий таълим муассасалари, хусусий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиаллари талabalariiga контракт тўловлари учун кредит ажратиш назарда тутилган,

# Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2-сон баёни тасдиқланган

Ушбу баён билан:

а) иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни (талабгорлар) 2021/2022 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг рўйхати тасдиқланган ҳамда ушбу рўйхатга **Вазирлик киритилган**;

б) Вазирлик томонидан 2021/2022 ўқув йили учун **100 нафаргача** талабгорга тавсиянома бериши мумкинлигини белгиланган;

в) тавсияномасига эга бўлган ходимларнинг **2021 йил 5 августдан 25 августга қадар** (25 август куни ҳам) Давлат тест марказининг веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтишлари белгиланган;

Ушбу баён ижроси юзасидан Вазирликнинг 2021 йил 30 июлдаги 35-ф/464-хфу-сон фармойиши қабул қилинган. Мазкур фармойиш билан Вазирликнинг **сарабаш комиссияси** тасдиқланган. Соҳа корхоналари томонидан тавсия этилган номзодларнинг **100 нафари** комиссия томонидан саралаб олинади ҳамда уларга намунавий шаклдаги тавсиянома Вазир имзоси билан тақдим қилинади.